



# XASR

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

Gazeta 2004-yil  
1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 10-NOYABR, PAYSHANBA, 47 (679)-SON

e-mail: xxi\_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

САЙЛОВ – 2016

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВОИЙ, БУХОРО ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТЛАРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ



масъулияти чекланган жамияти директори Ш. Исмоилов, Учқудуқ қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси С. Равшанова, Томди тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Т. Медетов, Навбахор туманидаги "Сарбозор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Н. Қўлдошева ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилишини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик жараёنлари миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

такомиллаштириш, туристлар учун виза бериш ва рўйхатга олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш, янги сайёҳлик маршрутларини яратиш, туризм инфратузилмасининг изчил ривожланишини таъминлаш, соҳага хоржий инвестицияларни жалб этиш, туризмни ривожлантириш бўйича махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш зарурлиги қайд этилган.

Бугун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят саноат салоҳиятини ривожлантиришга қaratилган умумий қиймати 142,5 миллиард сўмлик 470 лойиҳа амалга оширилди, 7 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Қишлоқларда намунавий лойиҳа бўйича қурилган 900 дан орტიқ уй-жой фойдаланишга топширилди. Марказий Осиёдаги йирик ишлаб чиқариш мажмуаларидан бири бўлган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди. Мажмуа таркибига йилга 8,1 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш қувватига эга завод, шунингдек, 114 қазих қудуғи, 11 махсус майдон ва 4 йиғув пунктини ўз ичига олган табиий газни тўплаш тизими қиради. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон газ конларини ўзлаштиришни янги bosқичга кўтарди. Заводда 2 мингдан зиёд доимий иш ўрни яратилади.

Видеоконференция тарзида ўтказилган йиғилишда вилоятнинг барча шаҳар ва туман марказларидаги сайловчилар билан очик мулоқот бўлди.

Меҳнат фахрийси Б. Жумаев, Пешку туманидаги "Малишояк" фермер хўжалиги раҳбари С. Жумаева, меҳнат фахрийси М. Рафиқов, Олот туманидаги "Химмат" фермер хўжалиги раҳбари Қ. Худоев ва бошқалар тарихан қисқа даврда мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланаётган замонавий давлатга айлангани, одамларнинг ҳаёт даражаси, дунёқараши ва маданияти тобора юқалиб бораётганини фахр билан таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик кўриш жараёنлари миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь куни Бухоро вилояти сайловчилари билан ҳам учрашди.**

Учрашувни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан вилоят кенгаши раиси Ф. Аминов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, саноатга замонавий технологияларни жорий қилиш ва янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш ва экспорт ҳажминини кўпайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш, озқабоб ва экспорттоб экинларни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтди. Навоий шаҳри ва вилоятнинг барча туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси Ҳ. Маматов, "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси "Навоий машинасозлик заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Н. Лаккай, Навоий шаҳридаги "Экспресс-сервис"

лигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох этиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қaratилган устувор вазифалар белгиланган. Унда ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлигини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини кучайтириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва одил судловни таъминлаш, иқтисодий модернизация ва диверсификация қилиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш, озқабоб ва экспорттоб экинларни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтди. Навоий шаҳри ва вилоятнинг барча туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси Ҳ. Маматов, "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси "Навоий машинасозлик заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Н. Лаккай, Навоий шаҳридаги "Экспресс-сервис"

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь куни Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни "Навоий иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамияти бош директори Қ. Ганиев очди.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Навоий вилояти ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот қарийб 6 фоиз ўсди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг сафи кенгайиб, вилоят иқтисодийтадаги салмоғи тобора ортмоқда. Янги уй-жойлар ва ижтимоий объектлар бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устувор-

4 ДЕКАБРЬ – САЙЛОВ КУНИ

Ўтаётган ҳар бир лаҳза бизни муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига яқинлаштирмоқда. Табиийки, улкан аҳамиятга эга мазкур сиёсий-ҳуқуқий тадбирни қонуний ва адолатли ўтказиш катта тайёргарлик ва масъулиятни талаб қилади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайлов жараёни самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасида Марказий сайловолди штаби ташкил қилинган. Штаб сайлов кампанияси даврида партиянинг сайлов билан боғлиқ бутун фаолиятини, хусусан, мафкуравий тарғибот-ташвиқот, ахборот-таҳлил, ташкилий ва молиявий таъминот, кўргазмали тарғибот воситаларини тайёрлаш, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, номзоднинг ишончли вакиллари, партия аъзолари орасидан кузатувчилар танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини мувофиқлаштириб келмоқда. Ана шу қизгин фаолиятга оид саволлар билан O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, партия Марказий сайловолди штаби раҳбари Содиқжон ТУРДИЕВга муурожаат этдик.

## ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР – эркинлик ва фаровонлик кафолати

– Ушбу муҳим паллада ҳар бир сониядан унумли фойдаланиш, олдимизда турган долзарб вазифаларни бажариш, аҳоли орасида партия гоё ва мақсадларини кенг тарғиб этиш лозим. Шундан келиб чиқиб, O'zLiDeP Марказий сайловолди штаби фаолияти хусусида гапириб берсангиз?

– Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиздан номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида бош мақсадимиз – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан бошлаб берилган демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат эканлиги ўз аксини топган.

Номзодимизнинг сайловолди дастурида давлатимизнинг жадал ривожланиши йўлида ҳалақат бериши мумкин бўлган тўсиқлар ҳар томонлама таҳлил этилган ҳолда, юртимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб оладиган ва эҳтимол тutil-

ган хавф-хатарларнинг олдини олиш, яқин ва олис истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор вазифаларни амалга оширишга қaratилган ва шунингдек, мамлакатимизни янада тараққий эттиришни таъминлайдиган бешта устувор йўналиш белгилаб олинди.

Жорий йилнинг 13 сентябрдаги партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг йиғилиши қарорига асосан Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасида, барча ҳудудий, туман ва шаҳар партия ташкилотларида сайловолди штаблари фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг номзодимиз дастурида кўзда тutilган гоё ва мақсадларини кенг ташвиқот қилиш мақсадида самарали фаолият олиб бориши учун зарур шароитлар яратиш тўғрисида вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида O'zLiDePнинг фаол иштирокини таъминлашга қaratилган махсус режа тасдиқланиб, бугунги кунда партиянинг Марказий сайловолди штаби сайлов кампанияси даврида белгиланган ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириб келмоқда.

Давоми 2-саҳифада >>

Давоми 3-саҳифада >>

## Муаммолар ечим топмоқда



БОШ  
ВАЗИРНИНГ  
ВИРТУАЛ  
ҚАБУЛХОНАСИ

3-саҳифада ўқинг >>



## Ўзаро фойдали ва самарали учрашувлар "Ўзэкспомарказ" да Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси давом этмоқда

Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2016 йил 1 июндаги Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан "Ўзбекизоқовқатхолдинг", "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компаниялари, "Ўзбекизоқовқат-захира" уюшмаси, "Ўзагроэксспорт" ташқи савдо компанияси ва "Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси дирекцияси" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган ярмарка фойдали мулоқот ва келишувларга бой бўлмоқда.



Давоми 8-саҳифада >>

Давоми 4-саҳифада >>

## Буюк ўзгаришлар бўсағасида

Ватанимиз тарихий тараққиётнинг ўта муҳим bosқичига қадам қўйди. Зеро, айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қизгин тус олган. Кенг жамоатчилик давлатимиз раҳбарлигига номзод Шавкат Мирзиёев дастурини катта қизиқиш билан ўқимокда. "Бош мақсадимиз Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан бошлаб берилган демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат", дейилади Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастурида.

## 4 ДЕКАБРЬ – САЙЛОВ КУНИ

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВОЙИ,  
БУХОРО ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТЛАРИ  
САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

« Давом. Бошланғич 1-саҳифада

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидаги Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 8 ноябрь кuni Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни ЎзЛиДеРнинг Самарқанд вилояти кенгаши раиси М. Холмухамедов очди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўлмали ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Самарқанд вилояти ҳам ҳар томонлама раванқ топмоқда. 2010 йилдан буён ялли ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар ўсган ва бу суръат илҳам давом этмоқда. Вилоят иқтисодий таркибида саноатнинг улуши 2011 йилда 18 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йил якуни билан 23,8 фоизга етиши кутилмоқда. Кейинги беш йилда вилоятда 100 дан ортиқ янги қўшма ва хоржий корхоналар ташкил этилиб, уларнинг сони 259 тага етган. Мазкур корхоналар томонидан йилга 2,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох этиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макрорегионал барқарорлик ва илҳам ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Унда ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлигини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини кучайтириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва одил судловни таъминлаш, иқтисодий таркибни модернизация ва диверсификация қилиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ҳусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш, озуқабоп ва экспортбop экинларни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтди. Самарқанд шаҳри ва вилоятнинг барча туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

“Нуроний” жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими кенгаши раиси Ҳ. Нормуродов, шоира Х. Бобомуродова, меҳнат фахрийси А. Ҳошимов, Пайриқ туманидаги б-умумтаълим мактаби ўқитувчиси А. Шульга, Каттақўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Қ. Аҳмедов, Иштилон туманидаги 87-умумтаълим мактаби директори Ш. Умиров ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимизни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик жараёнида миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла сои равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь кuni бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎЗА

Марҳабо МАГДИЕВА,  
Шофиркон туманидаги  
маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқитувчиси:

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига О‘зЛиДеРдан номзоди кўрсатилган Шавкат Миромонович Мирзиёев ўз сайловолди дастури орқали ишларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш, аҳолининг китобхонлик кўникмасини янада юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини интернет тармоқларида жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш ташаббуси билан чиққанлиги биз ўқитувчиларни беҳад қувонтирди.

Албатта, китоб инсоннинг беиннат дўсти. Унинг инсон камолотидаги ўрнини бошқа ҳеч бир восита боса олмайди. Китоб ўқимаган одам ҳаётда орқада қолади, маънавияти ўтмаслашади. Китоб инсоннинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширувчи, маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказувчи, уларнинг қалбига Ватанга садоқат, миллий, умуминсоний гоиларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кучайтирувчи бекиёс воситадир.

Мен Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сайловолди дастурида белгиланган ушбу ташаббусни тўла қўллаб-қувватлайман.

Қурбонбой ХУДОЕВ,  
Олот туманидаги “Ҳимнат”  
фермер хўжалиги раҳбари:

– Қишлоқ хўжалигида фойда бермайдиган тармоқнинг ўзи йўқ. Ердан оқилонга фойдаланган деҳқон ҳеч қачон кам бўлмайди. Давлатимиз томонидан фермерларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ва улар фаолиятини ривожлантиришга барча имкониятлар яратиш берилганлиги ютқаримизнинг асосий омил бўлмоқда.

Туманимизда ҳам ирригация-мелиорация ишларининг ўз вақтида олиб борилганлиги жойларда сув таъминотини яхшилаш имконини берибди. Бу эса пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил олишда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Масалан, кейинги йилларда фермер хўжалигимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги 40 центнергача кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида мамлакатимизда фермерликни ривожлантириш юзасидан билдирилган аниқ фикрлар, бу борада бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар бизни янги марраларни эгаллашга, ҳудудимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, элимиз дастурини тўқинлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшишга ундамоқда.

Шу йилнинг 4 декабрь кuni ўтказилгандаги Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловолди олотлик сайловчиларнинг кўпчилиги қатори мен ҳам Шавкат Мирзиёев номзоди учун овоз беришга қарор қилдим.

✓ Мамлакатимизни нури манзилларга элтувчи, унинг келажаги порлоқ бўлишини таъминловчи муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини халқаро демократик мезонлар талаблари асосида ўтказишда участка сайлов комиссиялари муҳим бўгин ҳисобланади.

Сайлов участкалари:  
МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН

Шиддат билан ўтиб бораётган ҳар бир кунимиз бизни ана шундай муҳим қарор қабул қилинадиган санага тобора яқинлаштироқда. Ҳўш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юқори савияда, ушқоқлик билан ўтказишга масъул бўлган асосий бўгин – участка сайлов комиссиялари иши қандай ташкил этилган?

Ана шундай савол билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 5 – Навоий сайлов округи масъул котиби Фохриддин Рўзиқулловга мурожаат қилдим.

– Вилоятимиздан сайлов кунига овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 641 минг 380 нафар сайловчи ушбу сиёсий жараёнда иштирок этади. Аҳолига қулайлик яратиш ҳамда вилоятимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 363 та сайлов участкаси ташкил этилди. Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 3 октябрдаги қарори билан тасдиқланган низои талаблари асосида сайлов участкалари аъзолари таркиби тўлиқ шакллантирилиб, фаолияти ташкиллаштирилди. Ҳудудлардаги замонавий шинам биналардаги сайлов участкалари меъёр асосида тўлиқ жиҳозланиб, яширин овоз бериш кабиналири, мебель, қаттиқ ва юмшоқ инвентар, телефон алоқа воситалари, интернет тармоғига уланган компьютер жамланмалари, сайловга оид қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, сиёсий адабиётлар ҳамда лозим даражадаги канцелярия моллари билан тўла жиҳозланди. Ҳар бир сайлов участкасида “Оналар ва болалар”, тиббиёт хоналари ташкиллаштирилган бўлиб, ўйинчоқ, тиббий жиҳоз ҳамда дори воситалари билан тўлиқ таъминланган. Низои талаби асосида сайлов жараёнида бажарилиши лозим бўлган ишлар кетма-кетлиги қараб амалга оширилипти.

Маълумки, сайловнинг ушқоқликда, юқори савияда ўтишида участка сайлов комиссиялари аъзоларининг билим, маҳорат ва тажрибаси муҳим аҳамият касб этди. Шу боис, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва экспертлари, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси олимлари, шунингдек, вилоят округ сайлов комиссиясига аъзо ва экспертлар, вилоят Адлия бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Навоий вилоят ҳудудий бўлими мутахассислари иштирокида Президент сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги бўйича билимларини янада ошириш ҳамда сайловни демократик тамойиллар асосида ушқоқлик билан ўтказишнинг таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича семинар тренинглари ўтказилмоқда. Унда, вилоятдаги мавжуд барча сайлов участкалари раислари ва уларнинг ўринбосарлари, котиб ва аъзолари тўлиқ қамраб олинди. Бунинг учун вилоят маркази, шаҳар ҳамда туманларда ўқувлар, амалий семинар-тренинглари ўтказилмоқда.

Биз, Қўзилтепа маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида жойлашган 99, 103-сайлов участкалари, вилоят тарихий улқашунослик музейида жойлашган 46-сайлов участкаси ва Зарафшон шаҳридаги 2-сон ўрта умумтаълим мактабида жойлашган 129-сайлов участкаларида бўлиб, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни амналии ўтказиш билан боғлиқ ишларнинг юқори савияда, режа асосида амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Навбатчилик ташкил этилган. Сайловолди ташвиқот тадбирлари ўтказилиб, номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурлари кўринарли жойга илиб қўйилган. Маҳаллий ҳокимлик ва ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида сайловчиларнинг рўйхати шакллантирилмоқда.

Бундан ташқари, ҳар бир сайлов участкасига етказилган Марказий сайлов комиссияси ва 5-Навоий сайлов округида ташкил этилган ишонч телефонлари рақамлари ва уларнинг электрон почтаси хусусидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида сайловга оид қонун бузилишларининг олдини олиш ва жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва ҳал қилинишига имкон яратди.

– Ҳозиргача бир неча сайловда иштирок этганман, – дейди Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашидаги О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзоси, Кармана туманидаги “Муҳаббат боғи” хусусий корхонаси раҳбари Ориф Каримов. – Бу галги сайлов мен ва мен сингари тадбиркорлик субъекти вакиллари учун ниҳоятда муҳим. Сабоби, Биринчи Президентимиз раҳнамолигида мустақил бўлди. У киши бошлаб берган тўб ислохотлар боис, мамлакатимизда тадбиркорлик кенг йўл очилиб, катта имкониятлар яратилди. Жаннатмонанд юртимизнинг осмони мусофари, халқимизнинг дастурхони янада тўкин, турмуши фаровон бўлиши йўлида тадбиркор ва ишбилармонлар партиясининг вакили ва истиқлол туйғули мулкдор бўлган тадбиркор, қолаверса, нурафшон юртининг бахтли эртасидан умидвор оддий инсон сифатида сайловда иштирок этиб, ўзим нуносиб деб билган номзодга овоз бераман.

Этироф этиш жоиз, мамлакатимиз ҳаётида муҳим бўлган мазкур сиёсий жараёнда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят Кенгаши ҳам фаол иштирок этмоқда.

Президент сайлови мамлакатдаги бутун сафдошлар қатори, вилоят ҳудудий партия ташкилотимизнинг 22 минг нафардан зиёд аъзолари ва кўп миң сонли электротамиз вакиллари учун ҳам ўта муҳим синов ҳисобланади, – дейди О‘зЛиДеР вилоят Кенгаши раиси Яшин Душанов. – Партияимизнинг сиёсий саҳнадаги етакчилик ролини янада мустаҳкамлаш, сайловда номзодимиз Шавкат Мирзиёевнинг галаба қозониши учун партиявий ташвиқот-тарғибот тадбирларининг барча турларидан самарали фойдаланишга интилимиз. Вилоят партия Кенгаши сайловолди штаби ҳузурида ташкил этилган тарғибот гуруҳи жойларда бўлиб, партия туман (шаҳар) Кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари, депутатлик корпуси ва партия электротати вакиллари билан ҳамкорликда сайловчиларни номзоднинг сайловолди дастури билан атрофича таништироқда. Партия вилоят Кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан О‘зЛиДеРдан барча сайлов участкаларида бириктирилган кузатувчиларни сайлов жараёнидаги иштироки бўйича ҳуқуқий билимларини кўришга қаратилган амалий семинар-тренинглари ташкиллаштирилди.

Хуллас, Президент сайлови кунинда истиқлол ҳавосидан тўйиб нафас олган, ўзининг “ўзбек модели” туйғули тараққий йўлини танлаган халқимиз, албатта, муносиб жавоб беришига шубҳа йўқ. Чунки, кенг интеллектуал салоҳият, ижтимоий-сиёсий билим, бой ҳаётий тажрибага эга юртдошларимиздан таркиб топган 5-Навоий вилоят сайлов округи тасарруфидаги мавжуд сайлов участкалари аъзолари бўлажак сайловни умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлаш учун зиммаларига юкланган барча вазифаларни астойдил бажаришмоқда.

Мансур АСЛОНОВ,  
“XXI asr” мухбири

## Ишонччи оқлаш лозим

О‘зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг ишонччи вакиллари учун амалий ўқув-семинар ташкил этилди.

Уни партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Содикқон Турдиев кириш сўзи билан очиб, Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва унда нуносиб иштирок этиш хусусида сўз юртди.

Бу жараёнда кенг жамоатчилик, айниқса, электротат орасига чуқуроқ кириб бориш, уларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан батафсил таништиришда тарғибот-ташвиқот материалларидан фойдаланиш муҳим омил бўлишига эътибор қаратилди. Ишонччи вакиллари сайловолди тарғиботи учун тайёрланган қўлланмалар, электрон кўринишдаги тақдимот материалларини етказиб бериш ҳамда ўқув-семинарнинг муҳим аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг йиғилганларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари ва мажбуриятлари, сайлов қонунчилиги ва унга киритилган янги меъёрлар, замонавий сайлов технологиялари, номзоднинг ишонччи вакиллари томонидан сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакл ва усуллари, ишонччи вакиллари асосий вазифа ва мажбуриятлари ва бошқа масалаларга тўхталиб ўтилди.

– Президентликка номзоднинг ишонччи вакили бўлиш бир вақтнинг ўзида ҳам шараф, ҳам жуда катта масъулиятдир, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Тўлқин Каримов. – Чунки, ишонччи вакил номзод номидан сайловчилар билан учрашув ўтказиш, сайловолди йиғилишларида

сўзга чиқади, телевидение ва радио орқали сайловга доир кўрсатув ҳамда эшиттиришларда қатнашади. Умуман олганда, ишонччи вакиллар номзодга сайлов компаниясини ўтказишда ёрдам беради, унинг мамлакат Президенти этиб сайланиши учун тарғибот ишларини олиб боради. Сайловчи айнан ишонччи вакил билан мулоқотда бўлиб, унинг гап-сўзларига қараб номзодга ва ўша партияга баҳо беради. Шу боис ишонччи вакилнинг катта ҳаётий тажриба, кучли билим ҳамда халқ орасида обрў-эътиборга эга бўлиши жуда муҳимдир. Уларнинг ҳуқуқий мақоми “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасида ўз аксини топган. Ушбу қонунга мувофиқ Президентликка номзод 15 нафарга қадар ишонччи вакиллари эга бўлишга ҳақлидир. Эътиборга молик жиҳати, қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг бирон-бир иштирокчиси учун қандайдир алоҳида имтиёз ва преференциялар берилмаслиги белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, ишонччи вакиллар ҳам фақатгина қонунда белгиланган ваколатлардан фойдаланиши талаб этилади.

– Ҳақиқатан ҳам ишонччи вакилнинг фаолияти қонунлар асосида тартибга солинган, – деди мавзунинг давом эттириб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Амрилло Каримов. – Ҳўш, уларга нима қилинади? Таъкидлаш жоизки, Президентликка номзоднинг ишонччи вакиллари ташвиқотининг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматла-



ри бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши ман қилинади. Шунингдек, овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида ҳамда овоз бериш кунига жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш ҳамда уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларида, хусусан, интернетга жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, Президентликка номзодлар, уларнинг ишонччи вакиллари сайлов комиссияларига аъзо бўлиши мумкин эмас. Сайлов кунини ном-

зодни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар ва ташвиқот олиб бориш қонун билан тақиқланади. Ушбу норма мазмунидан шунини тушуниш мумкинки, Президентликка номзоднинг ишонччи вакиллари ўз фаолиятини сайлов кунини тўхтатади. Шундай экан, ишонччи вакиллар сайлов кунини сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар қатори ўз номзодига овоз бериш орқали ўзининг Конституциявий ҳуқуқини адо этади.

Маълумки, ҳуқуқий-демократик давлатда ўтказиладиган сайловларни оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, оммавий ахборот

воситалари демократик сайловлар, уларни ўтказишнинг очиқлиги, ошқора ва шаффофлигининг муҳим воситаси бўлиб, мазкур сиёсий жараёнда фуқаролик жамиятининг фаол иштирокига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Тадбирда масаланинг шу ва бошқа жиҳатлари тилга олинди, қонунчиликка биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ўз сайловолди ташвиқотларини юритиши учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга экани алоҳида таъкидланди. Ўз навбатида журналистлар ҳам фуқароларни сайловлар ҳақида тўлиқ ва ҳолис ахборот билан таъминлаш, сайлов кампаниясини амалдаги қонунчилик талаблари доирасида профессионал даражада ёритишга катта масъулият билан ёндашишлари зарурлиги айтилди.

– Номзоднинг айнан сайловолди ташвиқотларини юритиш жараёнида ишонччи вакилларга эга бўлиши унинг имкониятларини янада кенгайтиради, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятидаги ишонччи вакили, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров. – Жорий йилда бўлиб ўтадиган Президент сайловида 20 миллиондан ортиқ сайловчи иштирок этиши кутилаётир. Табиийки, номзод уларнинг ҳар бири билан алоҳида учраша олмайди. Бунинг учун вақт ҳам, имконият ҳам етарли бўлмайди. Мана шу бўшлиқни айнан ишонччи вакиллар тўлдириб, номзод ҳақидаги маълумотларни сайловчиларга етказишга кўмаклашади. Бир сўз билан айтганда, сайловчи ишонччи қозониш, уларни қўнғлига йўл топиш кўп жиҳатдан ишонччи вакилнинг сиёсий маҳоратига боғлиқдир. Ушбу ўқув-семинари орқали шу ва бошқа муҳим маълумотларга эга бўлдик.

Тадбир якунида кечган мунозаралар чоғида ишонччи вакиллар ўзларини қизиқтирган саволларга оидинлик киритишди.

Акбар МУЗАФФАРОВ,  
“XXI asr” мухбири  
Сопиқон ЗОИРОВ олган сурат



## ЖАРАЁН

## Буюк ўзгарилар бўсағасида

«Давом. Бошлангиш 1-саҳифада»

Айниқса, унда юртимизнинг жадал ривожланишига ҳалақит бериши мумкин бўлган тўсиқлар ҳар томонлама таҳлил этилиб, эҳтимолли хавф-хатарларнинг олдини олиш, яқин ва олис истиқболга мўлжалланган энг муҳим устувор вази-фаларни амалга оширишга қаратилган, юртимизнинг янада тараққий топишини таъминлайдиган бешта устувор йўналиш белгилаб берилган. Масалан, иқтисодиёт соҳасида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий валютани, ички бозордаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш қайд этилган. Шунингдек иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридида рақобатбардошлигини янада ошириш, унинг соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестициявий фаолликни кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилишга алоҳида урғу берилган. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қисқартириш, хусусий мулкни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, туризмни жадал ривожлантириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ҳам устувор вази-фалар қаторидан ўрин олган.

Дастурда ифодаланган талай вази-фалар амалга жорий этилаётганини эътибор этиб жоиз. Масалан, иқтисодиётнинг кимё саноати, рангли ва нодир металллар, углеводород хомашёси, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, курилиш материаллари саноатини ривожлантиришга қаратилган 8 та махсус дастур қабул қилинди ва улар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Яқин беш йилда умумий қиймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Натижада 2016-2029 йиллар мобайнида ялли ички маҳсулот ҳажмининг икки баробардан зиёд кўпайтириш ва саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Бундай шиддатли ривожланиш ялли ички маҳсулот ўсиш суръатлари янада барқарор бўлиши ва халқимиз турмуш даражасининг кескин ошишига пухта асос яратлади.

Шу пайтгача биз айрим давлатлар раҳбарларининг йилда бир-икки марта омма билан бевосита мулоқот қилишларига ҳавас билан қараб юраддик. Бизда энди йилда бир-икки марта эмас, одамлар билан ҳеч қандай тўсиқларсиз доимий мулоқот амалга ошириш йўлга қўйилдики, энди бошқа давлатларнинг фуқаролари бизга ҳавас билан қарашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири виртуал қабулхонасининг ташкил этилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда жуда катта воқеа бўлди. Унинг ташкил этилиши жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ҳақиқий аҳвол қандай эканини равшан кўра олиш имконини берди. Виртуал қабулхона орқали фуқаролар шу пайтгача ечилмай ётган муаммолар


рини Бош вазирга тўғридан-тўғри етказиш ва улар тезда ҳал этиляпти. Шу йўсинда ҳамюртларимизнинг адолатга бўлган ишончи қайта тикланыпти. Масаланнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, жойларда “Ўзим хон – қўланкам майдон” қабилада иш юритиш, аҳолининг даражасига эътибор қилмасликка ўрганиб қолган айрим амалдорларнинг тинчи бўзилди. Мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал бўлаётгани эса жойлардаги баъзи мутасадди раҳбарларнинг ўз хизмат вази-фаларини бажаришга совуқонлик билан қараб келганлигидан далolat беряпти.

Мамлакатимиз Президенти вази-фасини бажарувчи лавозимига тайинланиши билан Ш. Мирзиёев вилоятларда бўлиб, халқ вакиллари, турли касб эгалари билан бевосита мулоқотга киришиб, жойлардаги ютуқ-камчиликлар билан танишиб, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади.

**Кўпчиликни ўйлантираётган муаммолардан бири аҳолини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш экани сир эмас.** Таъкидлаш керакки, бу соҳада аввал ҳам кўп ишлар қилинган. Ёш оилалар, бир қатор вази-фалар ва идоралар ходимлари учун имтиёзли шартлар асосида банк кредитлари ажратилган. Лекин турар-жойга талабнинг кўпчилиги учун муаммо кўнгилдагидек ечим топмаётган эди. Минг-минглаб оилалар бир-икки хонали тор уйларда яшаб, вояга етган фарзандларини уйи-жойи қилишда қийинчиликка дуч келаётганди. Шу ўринда тилга олиш зарурки, сўнгги йилларда пойтахтимизда халқ “банк уйлари” деб атайдиган уй-жой тури кенг тарқалди. Бирор хусусий компания ёки банк томонидан барпо этилган бундай хонадонларни ўзига тўқ оилалар мактабда ўқийётган фарзандлари ва хатто боғчадаги нева-чеваралари учун сотиб ола бошлашди. Аксарият кишиларнинг эса нархи қиммат бундай уйлари сотиб олишга имкони йўқ эди.

Муаммони бутунлай ҳал этиш учун Президент вази-фасини бажарувчи Ш. Мирзиёев кўламдор ва мураккаб ишга бел боғлади. Яъни, пойтахтимизнинг Сергели тумани ҳудудидан 500 та кўп қаватли ва арзон уй-жой қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Масаланнинг ўта долзарблиги ва зудлик билан ҳал этиш ҳолатига бориб қолгани эътиборга олиниб, тегишли вази-фалар, ҳокимлик ва идораларга 500 та турар-жой барпо этиш ишларини лойиҳалаштириш жараёнини бошлашга топшириқ берилди, зарур ер майдонлари ажратилди. Бу – уй-жойлар қурилиши тарихида жаҳонда камдан кам учрайдиган ҳодиса бўлади. Ўта қисқа фурсат, яъни 2017-2022 йиллар мобайнида аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун давлат томонидан бундай катта миқдосда уй-жой қуришни тасаввур қилишнинг ўзи мураккаб. Тасаввур қилинг, 500 та кўп қаватли уйда 30 миң оила жойлашиши режалаштирилмоқда. Демак, тахминан 120 миң киши яшайдиган бир шаҳарча бунёд бўлади.

Уй-жой билан таъминлаш масаласи наинки пойтахтда, балки чекка қишлоқларда ҳам муҳим масалаларга айланди. Шу боис Бош вазиримиз 24 октябрда “2017-2021 йилларда қишлоқ



жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар буйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарорни имзолади. Қарорнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, қурилиш кўзда тутилган янги уй-жойлар олдинги лойиҳалардан тубдан фарқ қилади ва анча арзон бўлади. Маълумки, 2009-2016 йиллар мобайнида қишлоқ жойларда 69 миң 557 та турар жой қурилди. Эндиликда аҳолининг реал эҳтиёжлари ва молиявий имкониятлари, миллий менталитети ва қишлоқда яшаш шароитлари тўлиқ ҳисобга олиниб, қурилиш самардорлигини оширишга йўналтирилган, янги лойиҳалар асосида уйлар қуриш бўлиши амалга ошмоқда. Эътиборлиси, дастлабки бадал миқдори кескин камайтирилиб, 2 ва 3 хонали уйлар учун олдингидан 2 баравар кам, яъни, 15 фоиз ҳамда кўп хонали уйлар учун 25 фоиз мобайнида йиллик 7 фоиз миқдорда ипотека кредитлари берилиши режалаштирилди.

Қишлоқларда намунавий уй-жойлар қуришнинг 8 йиллик тарихида ҳаммаси бўлиб 70 миңга яқин, яъни, йилга ўртача 8 миң 750 та оила учун уй тикланган. Энди биргина 2017 йилда 15 миңга арзон ва шинам уй қурилади.

Бундан ташқари, 2017–2020 йилларда шаҳарларда 945 та кўп қаватли уй қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Дастурга кўра, шаҳарларимизда 50 миңга яқин уй-жойга муҳтож оила учун кўп қаватли арзон уйлар қурилади.

**Тошкент шаҳрининг огрикли нуқталаридан бири – сони тобора ошиб бораётган аҳолини жамоат транспорти билан таъминлаш санолати.** Автотранспортнинг тобора кўпайиб бораётгани туфайли эрталаб ва кечки пайтларда пойтахтимизнинг асосий кўчаларида тирбандлик юзага келяпти. Шаҳарнинг бир четидан бошқасига бориб келишга жуда кўп вақт сарфланыпти. Мана шу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда Ш. Мирзиёев 2017-2020 йиллар мобайнида шаҳар метрополитенини янада кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Қарор асосида 30 та станция барпо этиш назарда тутилди. Жумладан, метронинг “Олмазор” станцияси билан Сергелини туташтирадиган 6 та станциядан иборат, ер сатҳидан 6 метр балангликда тезорар поезд йўли барпо этилади. Қувонарлиси, “Юнусо-

бод” линиясида 2 та бекат, янги ер ости ва “Олмазор” станциясидан Сергели тумани томон тезорар ер усти линиясини қуриш ишлари бошлаб борилади.

Электр энергиясининг ҳар қандай давлат иқтисодиёти ва аҳоли ҳаётида тугган ўрни бекиёс. Республикаимизда электростанциялар ўтган асрнинг 30-йилларида қишлоқ жойларда бошланган. Шу боис улар техник ва технологик жиҳатдан эскириб, аксариятини модернизация қилиш талаб этилаётган эди. Тўғри, шу кунга қадар электростанциялар муайян даражада модернизация қилиб келинмоқда эди. Бироқ янгиланган муҳтож бундай иншоотлар кўп ва маблағ етишмаётгани туфайли бу ишга етарли эътибор бериш имкониятлари чекланган эди. Ш. Мирзиёев электростанцияларни жадаллик билан модернизация қилиш борасида аниқ ва узи-кесил қарорга келди-ки, яқин истиқболда улар фаолияти тубдан ўзгаради, маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ва сифати ошади, таннархи эса камаяди. Аҳоли ва корхоналарга электр қувватини узуксиз, кафолатланган тарзда етказиб бериш мақсадида шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг электр энергияси таъминотини яхшилаш дастури ишлаб чиқилади. Дастур доирасида электр ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, 25 миң 300 километр паст кучлининг электр тармоқларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш, 5 миң 600 та эскирган трансформатор подстанциясини алмаштириш мўлжалланяпти.

Электр энергиясининг арзонлашуви мамлакат иқтисодий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Негаки, у маҳсулот таннархини белгилайдиган энг муҳим омиллардан биридир. Қолаверса, электрнинг арзонлиги уни хорижга экспорт қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Халқимиз “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармонни мамнуният билан қўтиб олди. Унутмаслик керакки, шу кунга қадар ҳам мазкур соҳага тааллуқли бир қанча фармон, қонун ва қарорлар қабул қилинган ва улар бу йўналишда ижобий сиришлар юз беришига ҳуқуқий асос яратганди. Мамлакат Президенти вази-фасини бажарувчи Ш. Мирзиёев тараққийнинг ҳозирги босқичига

қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва кўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатини бутунлай ўзгартириш заруратини гоят чуқур тушунганлиги учун ҳам ушбу норматив ҳужжат вужудга келди. Фармонда, хусусан, тадбиркорлик фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ва тўсиқлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун етказилган зарарни мансабдор шахсларнинг ўзидан ундириш белгиланди. Бундан ташқари, 2017 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текшириш, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишлар бекор қилинади. Инвестициявий жозибдорликни ошириш мақсадида хорижий сармоялар иштирокида янгидан ташкил этилган корхоналарга беш йил мобайнида улар рўйхатдан ўтказилган санада амалда бўлган солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларни қўллаш ҳуқуқи берилди. Ушбу ҳужжатда, шунингдек, валюта, солиқ ва божхона соҳасида ҳам катта ўзгаришларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Юқорида баён этилган мулоҳазалар ва номзоднинг таржimai ҳолидан аён бўлаётгани, Шавкат Мирзиёев давлатни бошқариш фанини кабинетда ўтириб ёки лаборатория шартотида ўрганмаган. У бутун меҳнат фаолияти мобайнида – мамлакатимизнинг энг нуфузли ташкилот ва идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаганида, туман, вилоятлар ҳамда Вази-рлар Маҳкамасини бошқаришда орттирган улкан тажрибаси сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий ҳаётимиздаги энг огрикли муаммоларимизни зукко-

лик билан кўра олишига, ҳис қилишига ёрдам бергани кўриниб турибди. Мамлакат Бош вазири лавозимида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга бевосита раҳбарлик давомида давлатни бошқаришнинг замонавий назария ва амалиётини обдон ўрганди. Айни пайтда жамиятимизнинг барча жабҳаларини тубдан модернизация қилиш, янгиланган эҳтиёжини чуқур ҳис қилиб тургани қабул қилинаётган ҳужжатларда акс этаётди. Бугун қоғозларга туширилган, қуруқ рақамлардан иборат маълумот эмас, амалий ишлар, аниқ натижалар керак! Шавкат Мирзиёевнинг талаби ҳам шундай.

Ш. Мирзиёев сайловчиларнинг кўшимча овозларига эга бўлиш мақсадида ҳеч қачон асоссиз ваъдалар бермайди. Аксинча, у сайловолди учрашуварларида пишиқ-пухта ишлаб чиқилган, ҳар тарафлама чуқур ўйланган, юртимизни шиддатли ривожлантиришга хизмат қилувчи аниқ-равшан, мукамал дастур билан чиқмоқда. Унинг мақсади ва голяри сайловчилар томонидан қизгин кўллаб-қувватланаётганининг боиси ҳам шунда. Вилоятларда сайловчилар вакиллари билан бўлиб ўтаётган учрашуварларда Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг барча туманлари, энг чекка қишлоқларини ҳам яхши билиши, ўша жойларда яшаётган аҳолининг дарду-ташвишини теран ҳис қилиши сезилиб турибди.

Унинг жамиятни модернизация қилиш концепцияси, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар стратегияси ва тактикаси масалаларида доир фикрлари ўзаро уй-гунлиги, бир-бирини тўлдириб туриши, яхлитлиги билан эътиборга молик. Ушбу голялар чуқур ўйланган, ниҳоятда пишиқ-тилган ва асослиги туфайли изчиллик билан амалга оширилишига шубҳа йўқ.

## Мухтасар айтганда

Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида баён этилган голялар ва вази-фаларнинг рўёбга чиқиши мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий ва маданий қиёфасини тубдан ўзгартириши аниқ. Аминимизки, жамиятни янгиланган Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган ва баркамол давлатлари қаторига кириши, халқимиз фаровонлигини кескин ошишига замин яратлади. Ватанимиз буюк ўзгарилар арафасида турибди!

Одил ОЛИМЖОНОВ,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

## Инсон хоҳиш ва иродасининг ифодаси

Ривожланган демократик давлатлар конституциявий-ҳуқуқий тараққийнинг асосий йўналиш ва тамойиллари негизда инсон манфаатлари ва халқ иродасини таъминлаш вази-фаси турар экан, ушбу бурчни амалга ошириш учун ҳар томонлама шароит яратиш давлат ҳокимияти органлари ва унинг мансабдор шахсларига катта масъулият юклайди.

Шу маънода фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларининг бир кўриниши саналган фуқаролар сайлов ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш жуда муҳим масалалардан ҳисобланади.

“Сайлов”, “референдум”, “умумхалқ овози”

каби тушунчалар демократик давлат мавжудлигининг энг муҳим белгиси ҳисобланади. “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакил-

лари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

Ҳақиқатан ҳам демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайловнинг аҳамияти бекиёс. Асосий қомусимизда сайлов тизими, уни ўтказишнинг муҳим ҳуқуқий асослари тўғридан-тўғри белгиланган сайлов жараёнининг демократик тамойиллар асосида очик ва ошкора ўтказилишини, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий даражада кафолатлайди. Конституциянинг 117-моддасида

белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Мазкур метёрлар демократиянинг асосий тамойили – сайлов ҳуқуқи, фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, ўзлари танлаган муносиб номзодга ихтиёр овоз бериши, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ёки давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини таъминлаш учун имконият яратди. Уларда сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши, Марказий сайлов комиссиясининг сайловолди кампанияси жараёнидаги мутлақ ваколатлари каби энг ривожланган демократик давлатлар амалиётида ҳам кам учрайдиган муҳим ҳуқуқий нормалар белгилаб қўйилди. Ҳақиқатан ҳам эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда овоз бериш ихтиёрлиги демократик тамойилларга тўла мос келади ва ундан фуқароларимиз ўз тақдирига бера-фарқ эмаслиги, эртанги кун ҳам бугунги каби фаровон бўлишини истагани учун фойдаланишида. Буниг учун эса ишончи ва одилона сиёсат

олиб борадиган республика Президенти лавозимига ёки давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига номзодларнинг энг муносиблирига овоз бериш муҳимдир. Баъзи мамлакатларда, масалан, Австрияда овоз бермаганлик учун жарима белгиланган, Греция ва Туркияда ҳатто овоздан маҳрум қилиш жазоси ўрнатилган. Аргентинада эса овоз беришга келмаган сайловчига жарима солинади ва у уч йил давомида масъул мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Бизнинг мамлакатимизда эса фуқаролар сайловларида юртимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига дахлдорлик ҳис-си борлиги туфайли иштирок этилади. Сайловларга ўзларининг тақдирига таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа сифатида, бу жараёнларда сиёсий ҳуқуқларидан унумли фойдаланган ҳолда, ўз хоҳиш-иродасини ифода этиш шакли сифатида қарашди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда сайлов тизимининг очик-ошкора, демократик тамойилларга тўла риоя қилинган ҳолда ўтишидан далolat беради.

Фаруза МУСАЕВА  
Тошкент шаҳар Яққасарой тумани 4-сон давлат нотариал идораси нотариуси

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

**O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг "Ёшлар қаноти" бўлимлари томонидан жойларда "Ёш фермер" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтмоқда.**



## Ёш фермерлар беллашди

Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган танловнинг ушбу босқичида 16 нафар иштирокчилардан уч нафари голиб деб топилиб, республика босқичида иштирок этиш учун йўланма олишди.

— Танловда биринчи ўринни эгалладим, — дейди Қумқўрғон туманидаги "Шўхрат — Мухтор" фермер хўжалиги раҳбари Шўхрат Тошпўлатов. — Айниқса, соҳа мутахассислари томонидан берилган тавсиялар ва иштирокчилардан ўрганган тажрибалардан келгусида самарали фойдаланаман.

**Х. БҮРИЕВ,**  
Мафқуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими mudiri  
\*\*\*

Андижон вилоятида ўтган танловнинг вилоят босқичида 55 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари ҳамда уларнинг иш юритувчи менежерлари иштирок этишди. Тадбир олдидан иштирокчилар ўзлари етиштирган кишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишланган тайёр маҳсулотлари кўргазмасини намойиш этишди.

O'zLiDeP Андижон вилояти Кенгаши раиси

Зухриддин Жумабев мамлакатимизда кишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш борасида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг аҳамияти, шунингдек, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида вилоят миқёсида 84 миллион АҚШ доллари миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга юборилгани, 2017 йилда 514 минг тонна сабзавот етиштирилиб, ҳосилнинг 154 тоннаси четга чиқарилишини таъкидлади. Шунингдек, нотиж соҳага янги иқтисодий муносабатларни жорий этиш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда ёшлар иштирокчини кенгайтириш борасида O'zLiDeP томонидан олиб борилаётган ибратли ишлар хусусида ҳам сўз юритди.

Танлов натижасига кўра, Избоскан туманидаги кўп тармоқли "Дониёрбек бўлоғи" фермер хўжалиги раҳбари Дониёрбек Қодиров биринчи, кўргонтөпалик "Матлубахон Уктамжон қизи" фермер хўжалиги раҳбари Матлубахон Қодирова иккинчи, Марҳамат туманидаги "Гагаринлик галлакор" фермер хўжалиги раҳбари Дониёрбек Ҳасановлар учинчи ўринни эгаллашиб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўланма олишди.

**Аъзам ҚОДИРОВ**

**Айни кунларда коллежимизда сайлов қонунчилиги, овоз бериш шакли ва тартиби, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари каби мавзуларга бағишланган кўллаб тадбирлар ташкил этилмоқда.**

## Ўз келажаким учун овоз бераман!

Мен ҳам жорий йилда биринчи марта сайловда қатнашаман. Аввалги сайловларда опа ва акаларим иштирок этиб, овоз беришганда жуда ҳавасим келарди.

Эндиликда мен ҳам ушбу сиёсий жараённинг фаол аъзосиман. Сайлов кунни тегишли сайлов участкасига бориб, фаровон турмушимиз, бахтли ҳаётимиз, нури келажакимиз учун овоз бераман. Барча тенгдошларим сингари юртимиз тараққиётига хисса қўшишда ўз ҳуқуқимдан унумли фойдаланаман.

**Раҳматилло МАЪМИРЖОНОВ,**  
Фарғона шаҳри маиший хизмат ва педагогика коллежи ўқувчиси

## Тадбиркорликка кенг йўл

O'zLiDeP Тўрткўл тумани Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳиятини партия электорати вакилларига етказишга бағишланган семинар ташкил қилинди.

— Соҳани кўллаб-қувватлашга эътибор кучаяётгани бежиз эмас. Зеро, хусусий сектор ялли ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлиги ва даромадлари, фаровонликка эришишнинг муҳим омилдир, — деди партия туман ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари Юлдош Матқаримов. — Айни пайтда тумандаги партия аъзоларининг 137 нафари тадбиркор, 162 нафари эса фермерлардир.

Тўрткўл тумани Фермерлар кенгаши раиси, Жўқорги Кенгес депутати Шўхрат Айтилов ушбу

муҳим ҳужжатда хусусий мулкдорларга кўпроқ эркинлик бериш, улар фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вази-фаси этиб белгилангани юртимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

**O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот кызмати**

## Руҳлантириб юборди

**Умида Бозорова коллежни битириб, ўзи амалиёт ўтаган "Улуг нон" масъулияти чекланган жамиятида иш бошлади. У ҳали ёш бўлишига қарамастан, барча турдаги ширинликларни тайёрлай оладиган пазанда, ҳунар ўрганиш баробарида оиласи бюджетига ҳам даромад олиб келмоқда.**

Шўрчи туманидаги "Улуг нон" масъулияти чекланган жамиятида замонавий минитехнологиялар асосида 7 хилдаги нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётди. Сақ-қиз нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб юқори.

— Ишбилармонларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, цехимизни замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозладик, — дейди корхона раҳбари Одил Эргашев. — Жорий йилда банкдан олинган 46 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига ўрнатилган иккита электр тандир иш унумдорлигини ошириш ва қўшимча иш ўрни яратиш имконини берди. Ўзбекистон Рес-

публикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эса биз тадбиркорларни янада руҳлантириб юборди. Ушбу ҳужжат ўз фаолиятимизни янги босқичга кўтариш, гоё ва режаларимизни рўйбга чиқаришда қўл келади. Келгусида маҳсулотларимиз сони ва сифатини янада оширишни мўлжаллаяпмиз.

**Нигина ШОЕВА,**  
O'zLiDeP Шўрчи тумани Кенгаши ходими

## Энг қулай имконият

**Тадбиркор сифатида 2000 йилда иш бошлаганман. Дастлаб корхонамизда бир ойда 30 тонна сут қайта ишланган бўлса, айни кунда ишлаб чиқариш қуввати 3 баробардан зиёдга ошди ва ойига 100 тоннадан ортиқ сутни қайта ишлашга эришяпмиз.**

Берилган имтиёз ва яратилган имкониятлардан фойдаланиб, "Мадад" суғурта агентлиги ва вилоят бизнес марказининг 22 миллион сўмлик молиявий кўмаги ёрдамида Россия Федерациясидан лизинг асосида янги технологияларни харид қилдик. Натижада ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз тури 3 тадан 8 тага оширилди. Айни кунда ҳамшаҳарларимиз дастурхонига экологик тоза, сифатли сут ва сут маҳсулотларини тўрттиқ этапимиз. Корхонамизда меҳнат қилаётган 30 нафардан зиёд юртдошимизнинг самарали ишлаб, яхши дам олиши учун қулай шарт-шароит яратяпмиз.

Биз иш бошлаган даврда вилоятимизда атиги

иккита сутни қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатган бўлса, бугунга келиб улар сони ўттиздан ошиб кетди. Буларнинг барчаси юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, мулкдорлар манфаатлари давлат ҳимоясига олинган ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини янада яратилаётган қулай шароит ва имкониятлар самарасидандир.

**Маҳмуд БОПИЛОВ,**  
Навоий шаҳридаги "Карманасут" хусусий корхонаси раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши аъзоси  
**O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси**

## Модернизация шарофати

Юртимизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, диверсификация жараёнига янги суръатлар бахш этиш борасида бажарилган кенг қўламли ишлар ёрқин самара бермоқда. Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги экспорт ҳажмининг ошишига йўл очиб бермоқда. Бунга мисол тариқасида жамоамиз фаолиятини кўрсатиш мумкин.

2005 йилда ишга туширилган корхонамизда хилма-хил ва юқори сифатли матолар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада илгор технологияларни жорий этиш, замонавий иш услубларини қўллаш — модернизация орқали маҳсулот ҳажми ва ассортиментини оширишга бозор талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳаракат қилаяпмиз. Ишлаб чиқариш жараёнининг компьютерлаштирилгани ҳамда янги ишлаб чиқариш линиясининг ишга туширилгани имкониятларимизни янада кенгайтирди. Маҳсулотлар ўзининг бежиримлиги ва юқори сифати билан харидорларни мамнун этмоқда.

Юқори савиядаги модернизация жараёнини амалга ошириш учун ўтган йили "Ҳамкорбанк"дан 430 миллион сўм кредит олиб, янги технологик линияни харид қилдик, уни ўрнатилиш орқали ишлаб

чиқариш самарадорлигини бир неча бараварга оширдик. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 20 миллиард сўмлик рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқардик. Маҳсулотимизнинг бир қисми хорижлик харидорларга жўнатилди. Уларга 1 миллион 300 минг АҚШ доллари миқдоридagi матомизни юбордик.

Корхонамизда 200 нафар малакали ишчи меҳнат қилмоқда. Улар сафини касб-ҳунар коллежларининг 18 нафар битирувчиси кенгайтирди. Янги ишчиларнинг ҳар бирига тажрибали устозлар бириктирилган.

**Баҳодир АҲМЕДОВ,**  
"Урганчбахмал" масъулияти чекланган жамияти раҳбари

## Янги йилни янги иш ўринлари билан

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос яратилгани ўз навбатида иқтисодий юксалиш имконини берапти.**

2007 йилда 4-5 киши билан хусусий корхонамиз фаолиятини йўлга қўйган эдик. Утган даврда "Алоқа-банк"нинг вилоят бўлимидан ажратилган 1 миллиард 700 минг сўм миқдоридagi кредит завзига корхонамизни замонавий ускуналар билан жиҳозладик. Бу маҳсулотларимиз сифатини яхшилаш ва истеъмолчиларга ўз вақтида етказиш имконини бермоқда.

Бугун корхонамизда 60 нафар киши доимий иш билан таъминланган бўлиб, бир кеча-кундузда 3 тоннага яқин гўшт ва қолбаса маҳсулотлари тайёрланмоқда. Биргина ўтган 2015 йилда ишлаб

чиқаришдан олинган даромад 450 миллион сўмни ташкил этиб, аҳолига 950 тоннадан зиёд гўшт ва қолбаса маҳсулотлари етказиб берилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 400 тоннани ташкил этди. Агар маҳсулотларимизга талаб ортаверса йил охиригача яна 10 та янги иш ўрни яратиш ниятдаимиз.

**Жаҳонгир СУЛТОНОВ,**  
Бухоро шаҳридаги "Султержаҳон" хусусий корхонаси ижрочи директори,  
O'zLiDeP аъзоси

# Тараққиёт калити

O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши таркибидаги 556 та бошланғич ташкилот 14 минг 125 нафар маслақдошимизни бирлаштирган. Айни кунларда куйи бўғинлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизгин тайёргарлик кўриш билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон чуқур ўрганилиб, унда белгиланган вазифаларни ҳаётга жорий этиш бора-сидаги чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Хусусан, Форш туманидаги "FOR-TEX" хусусий корхонасида фаолият кўрсатаётган таянч тузилмада бўлиб ўтган йилда ҳам ушбу фармон ижросини таъминлаш ва кенг тарғиб қилишда партия фаолларининг ўрни ва ҳиссаси масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда куйи тузилманинг 20 нафар аъзоси билан бирга Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия-миз депутатлик гуруҳи аъзоси Бозоргул Тўраева, O'zLiDeP худудий ташкилотининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Исомиддин Ҳамидов, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва туманда фаолият кўрсатаётган бир неча тадбиркор иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилаётгани, мазкур фармон эса бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми эканини таъкидлаб ўтдилар.

— Мазкур ҳужжат нафақат тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерларимиз, балки аҳолининг барча қатламлари томонидан улкан воқеа сифатида қабул қилинди, — дейди Бозоргул Тўраева. — Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланиши ва унинг тобора мустақамланишига эришилмоқда. Чунки, Форш туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари худуд иқтисодиётида етакчи кучга айланиб улгурди. Улар фаолиятини сифат жиҳат-

дан янги босқичга кўтариш ҳамда сафини кенгайтириш, учраётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш, фаолият учун кенг имкониятлар яратиш бериш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан биридир.

— O'zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида илгари сурилган вазифаларни ҳаётга жорий этиш ҳар бир маслақдошимиздан фаоллик, қолаверса, давр билан ҳамнафасликни ҳам талаб қилади, — дея депутат фикрини давом эттирди сафдошларимиздан бири И.Хўжаев. — Бугунги йилги ишда муҳокама этилаётган масала ҳам партия дастурий мақсадларига ҳамоханлиги билан алоҳида диққатга молик.

Йилги иш давомида сўзга чиққан ҳамкор ташкилотлар вакиллари кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига банк ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш, солиқ имтиёзлари тўғрисида йилгиланларга батафсил маълумот беришди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида махсус қарор қабул қилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Шу каби тадбирлар вилоятдаги бошқа партия таянч нуқталарида ҳам бўлиб ўтмоқда. Жумладан, 28 нафар аъзони бирлаштирган ва тажрибали маслақдошимиз Воҳиджон Мирзаев етакчилиги қилаётган Зафаробод туман архитектура бўлимидаги бошланғич ташкилотда бўлиб ўтган мулоқотда туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари дуч келаётган муаммо ва тўсиқларни партиявий воситалар орқали бартараф этиш масаласи кўриб чиқилди.

— Бугунги кунда туманда 459 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ҳамда 925 та фермер хўжалиги фаолият олиб бормоқда, — дейди O'zLiDeP Зафаробод туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Шерзод Эшатов. — Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сафини кенгайтиришда партия фаоллари, айниқса, депутатларимизга алоҳида масъулият юкланган. Бугунги йилги ишда шу масалаларни атрофича муҳокама қилиб, келгуси вазифаларимизни белгилаб олдик. Эътиборлиси, бундай тадбирларга нафақат партия фаоллари, балки давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда хусусий сектор вакиллари, мутахассислар ва ёшлар кенг жалб этилмоқда.

Дарҳақиқат, вилоятда партия фаоллари, депутатлар томонидан фармонни чуқур ўрганиш, унинг ижросини таъминлаш ва тарғиб этишга доир вазифаларни белгилашда фермерлар, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш халқимиз фаровонлиги ва юртимиз иқтисодий тараққиётига қўшилган муносиб хисса эканига алоҳида ургу берилмоқда.

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**  
"XXI asr" муҳбири





## ИМКОНИЯТ

## ТАРҒИБОТ АКЦИЯСИ

Самарқанд шаҳрида O'zLiDePдан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида "Биз шифокорларнинг танлови — Шавкат Мирзиёев" номли тарғибот акцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоятдаги барча тиббиёт бirlашмаларида шифокорлар иштирокида мазкур партиядан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастури, унда муҳим вазифа сифатида илгари сурилган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан ошириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилган ишлар ҳусусида фикр алмашилди.

Иштирокчилар аҳоли саломатлигини асраш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини юксалтириш, соғлиқни сақлаш тизимини тиббиётнинг энг сўнгги технологиялари билан таъминлаш номзод дастуридаги энг муҳим вазифалардан бири эканлигини эътироф этишди.

Айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янги даражага кўтаргани, бу эса фуқаролар соғлигини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш ҳамда турмуш тарзини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш ҳамда турмуш тарзини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш ҳамда турмуш тарзини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди.



риб борилмоқда.

Тадбирда номзод дастурида оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, эҳтиёжманд оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга алоҳида эътибор берилгани, дорихона тармоқларида нарх-навонинг бесабаб ошиб кетишига йўл қўймаслик, фармацевтика sanoatини жадал ривожлантириш, шунингдек, 67 та ҳудудий лойиҳаларнинг амалга оширили-

ши натижасида 162 турдаги янги, ҳозирги вақтда четдан олиб келинаётган дори воситаларини мамлакатимизда ишлаб чиқариш имконини бериши қайд этилди.

Акция доирасида вилоятнинг барча туман ва шаҳар тиббиёт бirlашмаларида оилалардаги маънавий, тиббий муҳитни соғломлаштириш, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида нуруний ва кеса-са авлод вакиллари, кам таъминланган оилалар ва хотин-қизлар учун бепул тиббий кўрик ташкил этилди.

Аҳамиятисиз, мазкур хайрли тадбирга, нафақат вилоят, балки республикаимиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олим ва юқори малакали шифокорлари жалб этилди.

Шифокорлар замонавий асбоб ускуналардан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг барча қатламларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди. Шунингдек, кўрик жараёнида лаборатория таҳлиллари, электрокардиограф ва ультратовуш текширувидан ўтказиш тадбирлари ҳам амалга оширилди.

Тиббий кўрик жараёнида аниқланган касалликлар шифокорлар томонидан назоратга олинб, кейинчалик уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш чоралари кўрилади.

— Биринчи Президентимиз ташаббу-

си билан истиқлолнинг илк кунлариданок тиббиёт ривожига ва аҳоли саломатлигига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилди, — дейди Самарқанд Репродуктив саломатлик маркази раҳбари Умида Бобораймова. — Оддий мисол, биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида ўнлаб оилавий поликлиникалар бунёд этилди. Уларнинг зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига жиддий эътибор қаратилди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида янги-дан қурилиб, фойдаланишга топширилган 6-оилавий поликлиника фикримиз тасдиғидир. Унинг қурилиши ва таъмирлаш ишларига 2 миллиард 157 миллион сўм маблағ ажратилган. Юмшоқ ҳамда қаттиқ мебеллар билан жиҳозлаш учун 200 миллион сўм маблағ сарфланди. Энг муҳими, "Саломатлик — 3" дастури бўйича замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ўрнатилди. Бугунги кунда ушбу поликлиникада мутахассислар томонидан 45 минг 800 нафардан ортқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури билан танишгач, Биринчи Президентимиз томонидан амалга оширилган хайрли ишлар ана изчил давом эттирилишига амин бўлдим. Номзод ўзининг сайловолди дастурида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида тиббий хизмат сифатини янги даражага олиб чиқиш, аҳоли соғлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга ҳамда халқимиз турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу хайрли тиббий акциясида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги энг чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли қатламлари ҳам қамраб олинди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, хотин-қизлар ўртасида ҳар хил касалликлар, оналар ўлими, ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, беморларни соғломлаштириш ҳамда аҳолининг касаллик кўрсаткичларини камайтиришга қаратилган тадбир кўпчиликини қувонтирди.

Муҳаббат РАВШАНОВА,  
"XXI asr" мухбири



## Ўзаро фойдали ва самарали учрашувлар

44 Давоми. Бошланғич 1-сahифада

Тадбир доирасида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги бир қатор sanoat корхоналарига саёҳат уюштирилди. Унда ярмаркага келган хориқлик меҳмонлар, олимлар, мутахассислар қатнашди.

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида жойлашган "Marwin breeds" масъулияти чекланган жамияти 2007 йилда фаолият бошлаган. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада икки юзга яқин ҳодим меҳнат қилади. Маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш қўлини йўлга қўйилган. Кимевий, биокимевий, бактериологик текширувлари жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш учун замонавий шартлар яратилган. Ана шундай синов bosқичларидан ўтиб истеъмолчи тақдим этилаётган "Dena" савдо белгиси остидаги шарбатлар табиийлиги, ҳуштанглиги билан харидорларга манзур бўлаётди. Хориқлик меҳмонлар ушбу шарбатларнинг сифатига юқори баҳо берди.

— Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити бундай мазали, табиий, экологик соф, шифобахш мева-сабзавотларни етиштириш учун жуда қулай, — дейди Чунгма миллий университети профессори Жонг Ёнг Пён (Жанубий Корея). — Бозорларингиздаги тўқиллик кўзни қувонтиради, арзончилик ҳавасни келтиради. Ушбу ярмарка бу борада мамлакатингизнинг салоҳиятини кенг намойиш этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқори Чирчиқ туманида жойлашган "Asian jam" корхонасининг "Sempre" савдо белгиси остидаги мураббо ва шарбатлари ҳам барчага манзур бўлди. Корхонада йигирма турга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнида замонавий технологиялар жорий этилгани сифат ва самарадорлик омилли бўлаётди. Сигими қарийб уч минг тонналик замонавий технологиялар билан жиҳозланган ombорда меваларни табиий ҳолда сақлаш имконини мавжуд. Ушбу маҳсулотлар заводда қайта ишланиб, хилма-хил мурабболар тайёрланади.

— Заминимизда етиштирилган мева-сабзавотлар таркибидagi хилма-хил фойдали микроэлементлар инсон саломатлигини асраш ва умрини узайтиришда муҳим омил саналади, — дейди мазкур корхона раҳбари Сарвар Тошпўлатов. — Ушбу мазмунли табиий ҳолда истеъмол қилиш ниятида фойдали. Бизнинг вазифамиз истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга қўмаклашиш. Энг илгор технологиялар билан жиҳозланган ombоримизда мевалар табиий ҳолда сақланса, заводимизда кунга икки ярим тоннага яқин экологик тоза, табиий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилаётди. Маҳсулотларимиз экспорт йўлга қўйилган. Мазкур ярмарка хориқлик ҳамкорлар билан бу борада фойдали келишувларга эришиш, экспорт жүрғюфиясини янада кенгайтириш учун қулай имконият бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган "GDF export" корхонасидаги замонавий шартлар ҳам тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Ушбу корхонанинг Тошкент, Сурхондарё, Наманган вилоятларидаги икки минг гектарга яқин экин майдонига экологик соф мева-сабзавот етиштирилади. Пойтахтимиздаги заводда мевалар қайта ишланади. Ушбу корхона мутахассислари аънаванавий мева-сабзавотлар билан бир қаторда юртимиз учун ноънзанавий бўлган экин турларини ўзлаштириш ва маҳаллийлаштириш мақсадида олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Юртимизда етиштирилган маҳсулотларга хориқда эҳтиёж тобора ортиб бораётгани ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу мақсадда инвестиция лойиҳалари асосида Термизда яна бир завод ишга туширилди. Мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, янги экин турларини ўзлаштириш, кўчатчиликни ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётди.

— Корхонамиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади, — дейди "Сибгрозхолдинг" компанияси вакили Павел Старюк (Россия). — Бирок бизнинг табиий иқлим шароитимизда деҳқончилик қилиш учун мавсум анча чекланган. Май ойида иш бошланса, сентябрда ҳосилни йиғиб олиш талаб этилади. Ўзбекистонда йилнинг аксарият ойларига қўшилиш кўнлар кўп бўлади. Бу экологик соф, кўш нурида тўйинган, фойдали микроэлементларга бой мева-сабзавот етиштириш учун катта имконият яратади. Мақсадимиз, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдир.

Б.ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири

## Сиёсий билимлар синови

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида "Тараққийёт билим-дони" мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ёшларнинг сиёсий билимини юксалтириш ҳамда бўлажак сайловда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда Президентликка мазкур партиядан номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурига алоҳида эътибор қаратилди.

— Номзодимизнинг: "Ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтирамиз", деган фикрлари нафақат мени, балки барча тенгқурларимни ҳам эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, олға қадам ташлашга ундаётди, — дейди институтнинг 4 bosқич талабаси Хусан Каримов. — Шу боис, бўлажак сайловда ўзимиз танлаган номзодни қўллаб-қувватлаймиз.

Тадбирда талабаларнинг сиёсий билимларини аниқлаш мақсадида уюштирилган савол-жавобда фаол иштирок этган зукко ёшларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Шухрат АТАВУЛЛАЕВ,  
ТДУУ 3-курс талабаси

## ФАОЛЛИК талаб этиладиган палла

Қарши шаҳрида O'zLiDeP шаҳар, туман кенгашилари ҳузурда тузилган тарғибот-ташвиқот гуруҳлари аъзолари учун ўқув семинари ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиядан кўрсатилган номзоднинг ишончли вакили ҳамда вилоят тарғибот тарғиботларининг самарали ташвиқот ўтказишдаги ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари, номзоднинг сайловолди дастурида кўтарилган масалалар ҳусусида сўз юритилди.

— Сайловни умумэътироф этилган демократик тамойиллар, халқаро андозалар ва миллий сайлов қонунчилиги асосида ташкил этиш мақсадида жойлардаги тарғибот ташкилотларимизда тадбирлар режаси асосида қизгин тайёргарлик ишлари олиб борила-япти, — дейди O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилором Азизова. — Илк бор овоз берадиган сайловчиларни ушбу сиёсий жараёндан бо-хабар этиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ва фаоллигини ошириш мақсадида қатор тарғибот тадбирларини ташкил этаямиз. Сайлов қонунчилиги, номзоднинг тарғиботи ҳоли ва сайловолди дастурининг мазмун-моҳияти акс этган тарқатма материаллар қуйи бўйинлар ҳамда сайлов участкаларига етказиб берилмоқда.

Қўзғин мунозара ва савол-жавоблар тарзида ўтган семинарда сайловни очиқ, ошқо-ра ва қонунийлик асосида ўтказишда ҳудудий тарғибот ташкилотларининг тайёргарлигини ошириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
"XXI asr" мухбири

## Ишончли мададкор

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА



Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда молия-банк тизимининг ўрни ва ҳиссаси катта. Бу жаҳоннинг та-ниқли иқтисодчилари, йирик молия муассасалари, хусусан, "Жаҳон банки", "Осиё тараққийёт банки" томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, "Агробанк" акциядорлик-тижорат банкнинг кенг кўламли фао-лияти халқаро "Мудис" ҳамда "Фитч Рейтингс" рейтинг агентлик-лари томонидан мунтазам равишда "барқарор", дея баҳоланаёт-гани ҳам фикримиз исботи бўла олади.

Хизматлар лицензияланган

16-222

Бу, бежиз эмас албатта. 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 1 трил-лион 200 миллиард сўм сармоя ажратиш режалаштирилган бўлиб, шунинг 360 мил-лион сўмга яқини микрокредит, қарийб 700 миллиард сўми озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, жойларда хизмат ва сервис соҳа-сини ривожлантириш учун мўлжалланган. Ҳозиргача хотин-қизлар тадбиркорлигини рағбатлантириш, шаҳар ва қишлоқларда оилавий тадбиркорлик ҳамда ёш оилалар-ни молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ҳунармандчиликни кенгайтириш учун сал-кам 200 миллиард сўм миқдориди маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шу жум-ладан, кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг бизнес режаларини рўёбга чиқариш учун кенг миқёсда молиявий ёрдам кўрсатила-

ётганини таъкидлаш жоиздир. Энг муҳими, бу каби хайрли ишлар банкнинг минтақа-вий бошқарма ҳамда бўлимлари томонидан ҳам изчил амалга оширилмоқда. Масалан, банкнинг Наманган вилояти бошқармаси томонидан 2016 йил 1 ноябрь ҳолатига 326 миллиард сўм миқдориди кредит ажратилиб, шунинг асосий қисми аграр тармоқ ва жой-ларда тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилди.

— Кўп йиллардан буён биз "Агробанк"нинг Наманган вилояти ҳудудий филиали билан ҳамкорликда ишлаб келмоқдамиз, — дей-ди "ELEMENT PAINT" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Акмалжон Аҳмаджанов. — Фаолиятимиз асосан қурилиш материалла-ри ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Буортмачилар ўртасида маҳсулотларимизга бўлган талаб-эҳтиёж ошиб бормоқда. Чунки улар юқори сифати билан ажралиб туради. Яқинда банк томонидан бизга 390 миллион сўм миқдориди қўшимча кредит ажратилди.

Шу ҳисобдан стандарт талабларига жавоб берадиган турли хилдаги лак-бўёқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Энг муҳими, 8 киши доимий иш билан таъминланди. Улар асосан касб-ҳунар коллежларини тугатган йигит-қизлардир. Мақсадимиз банк кўмаги-да янги цехни янада кенгайтириш ички бо-зорга сифатли ва кўпроқ маҳсулот етказиб беришдан иборатдир.

Вилоятнинг Мингбулоқ туманидаги "NONMONJON FAYZ" хусусий корхонаси раҳ-бари Маъруфжон Араббеёвнинг фикрича, "Агробанк" чин маънода тадбиркорларнинг молиявий ҳамкорига айланган. — Ишни эндигина бошлаган ҳар бир киши банкларнинг мададида эҳтиёж сезиши тур-ган гап. Лекин пул дегани кўчада ётгани йўқ. Тадбиркорликни йўлга қўйиш учун дастав-вал аниқ режа бўлиши лозим, — дейди Маъ-руфжон. — Туманимизда аҳолининг мебел маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, яхши ният билан "NONMONJON FAYZ" хусусий корхонасини ташкил этдик. Биз-нес-лойиҳамиз "Агробанк" АТБнинг Мингбу-лоқ филиали томонидан атрофича ўрганиб чиқилди ва бизга 170 миллион сўм миқдориди кредит маблағи ажратилди. Шу ҳисобдан замонавий дастгоҳ ва хомашё харид қилдик. Айни кунда аҳолига бир неча турдаги шинам, сифатли мебель буюмлари етказиб бера-ямиз. Энг асосийси, 4 киши доимий иш билан таъминланди. Яқин келажакда ўз маҳсу-лотларимизни хориқга экспорт қилишни режа-лаштираямиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони ор-тиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпаймоқда. Вилоятдаги "Адир бу-логи" фермер хўжалиги "Агробанк"нинг

Уйчи филиали миқозларидан бири санала-ди. Аҳоли талаб-эҳтиёжи ҳисобга олиниб, ҳозирги кунда бу ерда қурилиш матери-аллари ишлаб чиқарилмоқда. Белгиланган бизнес-режани амалга оширишда банк то-монидан ажратилган 150 миллион сўм кре-дит маблағи қўл келди. Худди шунингдек, Чортоқ туманидаги "Ақбаров Нуриддин" фермер хўжалиги ҳам "Агробанк" ёрда-мига таяниб, 65 миллион сўм кредит маб-лағи ҳисобига гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришмоқда.

— Манфатли ҳамкорлик қўл келаётди, — дейди кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Умаралиев. — Фаолият-имизни кенгайтириш орқали 5 кишини до-имий иш билан таъминладик. Лекин бу биз учун чегара эмас. Чунки аграр тармоқнинг имкониятлари кенг. Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган фуқаролар учун бугун барча шарт-шароит яратилган. Мо-лия муассасалари, бошқа мутасадди таш-килотлар хизматга ҳаммиша шай. Бундай имтиёзлардан унумли фойдаланган ҳолда маҳсулотлар турини кўпайтириш, қўшим-ча иш ўринлари яратиш, турли ижтимоий масалаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўйиш ҳар биримизнинг эл-юрт олдидаги муҳим фуқаролик бурчимиздир.

Бosh қомусимизда белгилаб қўйилгани-дек, ҳар кимнинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, хусусий мулкнинг дахлсизлиги, унинг устуворлиги юқоридагидек залворли натижаларга эришиш имконини бермоқда. Мамлакатимизда тижорат банклари фа-олиятини такомиллаштиришга тобора катта эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ана шундай зегу хайрли иш йўлида юртдош-ларимизга яқин мададкор бўлаётган ишончли молия муассасаларидан биридир.

"Агробанк" акциядорлик-тижорат банки Матбуот хизмати материаллари асосида З.МЎМИНОВ тайёрлади.

# ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва амалиёт: ОАВ нинг ролини ошириш истиқболлари” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

## ОАВ нуфузи ошади

— Бугунги глобаллашув жараёнида фуқароларимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш муҳимдир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Расул Қушербаев. — Яқинда қабул қилинган “Электрон ҳуқуқат тўғрисида”ги қонунда жамият ва давлат қурилиши соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш жараёнлари комплекс ва тизимли равишда тартибга солинган бўлиб, бу жамиятнинг демократлаштириш янада жадаллаштириш, фуқароларни қарорлар қабул қилиш жараёнига фаол жалб қилиш, ахборот ҳамда замонавий давлат электрон хизматларидан фойдаланиш тизимини ривожлантириш учун зарур ташкилий-техник шароитлар яратишга хизмат қилади.

Тадбир давомида “Давлат бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолияти: ютуқ ва камчиликлар”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифалари” мавзуларида маърузалар тингланди.

Сардор ТУРОБОВ

## РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

# Ўзбекистон маҳсулотлари харидорғир

✓ Ҳар бир давлат иқтисодийнинг барқарор ривожланиши, дунё андозларига мос маҳсулот ва хизматлар кўрсатишида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар учун яратиб берилган эркин ишбилармонлик муҳити катта роль ўйнайди. Эътироф этиш жоизки, айнан ана шу омиллар мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган ривожланишнинг “ўзбек модели” да қамраб олинган эди. Жаҳоннинг йирик иқтисодчилари, нуфузли ташкилотлар, хусусан Жаҳон банкининг эътирофига кўра Ўзбекистон дунё давлатлари орасида “Бизнес юришти” рейтингда шунингдек, “янги бизнесни қўллаб-қувватлаш”, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича ҳар йили юқори поғонага кўтарилиб бораётгани тадбиркорларга бизнес-ни юришти учун ўта қулай шароит ва имтиёзлар яратилаётганидан далолат беради.

Ана шундай имкониятлар сирасига Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра Ташқи иқтисодий фаолият “Миллийбанк” ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти мисол бўла олади.

Мухбиримизнинг мазкур жамғарманинг ижрочи директори Жаҳонгир Мустафоев билан мулоқоти ҳам айнан ана шу мавзуда бўлди.

— Жаҳонгир ака, бизга тақдим этилган таҳлиллар кўрсаткичи шундан далолат бермоқдаки, жамғарма бежизга ташкил этилмаган. Бунинг туб замирида нималар мужжасам?

— Жамғармаимиз бугунги кунда тадбиркор, фермерларимиз ишлаб чиқараётган турли хилдаги маҳсулотларни жаҳоннинг ўнлаб давлатларига экспорт қилиш, харидор топиш, ишбилармонларимизга ҳуқуқий маслаҳат ва молиявий кўмак беришда етакчи бўлмоқда. Биргина жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 2 миллиард 425 миллион АҚШ долларлик экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 443 та тадбиркорлик субъекти томонидан 1 миллиард 165 миллион АҚШ долларлик, чунинчи 718 миллион АҚШ доллари миқдориданоқ саноат, 406 миллион АҚШ долларлик қишлоқ ҳўжалик ва бошқа маҳсулот ҳамда хизматлар экспортни амалга оширишди. Шунингдек, 2 минг 250 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича тегишли хизматлар кўрсатилди. Жорий йилнинг ўзига 54 нафар тадбиркоримиз жамғарманинг яқин кўмагида ўз маҳсулотини экспорт қилишга муваффақ бўлди.

— Ўтган йиллар сарҳисоби бўйича ўнга яқин давлатга ўтказилган кўрғазмаларда жамғарманинг ёрдами билан тадбиркорларимиз ўз маҳсулотларини намойиш этган эди. Бу йилги натижалар қандай?

— Бугунгача 231 та тадбиркорлик субъектининг 8 та халқаро кўрғазма ва анжуманда иштирок этишига кўмаклашди. Мазкур тадбирлар доирасида 424 миллион АҚШ долларлик шартномалар имзоланди ва 71 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ушбу кўрсат-

кичлар ўтган йиллар билан солиштирилганда анча ўсишга эришилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан, Москва шаҳрида сентябрь ойида ўтказилган “Текстильегром – 2016” халқаро текстиль маҳсулотлари кўрғазмасида қатнашган 92 нафар тадбиркор учун 154 минг АҚШ долларига 500 м.кв. миллий павильон ташкил этилди. Ушбу кўрғазмада 243 миллион АҚШ долларлик экспорт шартномалари имзоланди. Худди шу шаҳарда сентябрь ойида бўлиб ўтган “World Food Moscow – 2016” халқаро қишлоқ ҳўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўрғазмасида ҳам 10 нафар тадбиркорнинг иштироки таъминланди, уларга 24 минг АҚШ долларига кўрғазма майдонлари харид қилинди. “Ўзгазроэкспорт” акциядорлик жамиятига кўрғазма стендини ташкил этиш учун 3 минг евро маблағ ажратилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 116 миллион АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари имзоланди. Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган “Mare D’Amare” халқаро текстиль маҳсулотлари кўрғазмасида жамғармаимиз 10 нафар тадбиркор ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан қатнашди ва яқунда 5 миллион АҚШ долларлик экспорт келишувларига эришилди. Олмаота шаҳрида июнь ойида ўтказилган “Мебель ва интерьер” халқаро мебель жойларига кўрғазмасида 10 та тадбиркорнинг иштироки имтиёзли тарзда ташкиллаштирилди ва ушбу кўрғазма натижасида ҳам 2 миллион АҚШ доллари миқдориданоқ экспорт келишувларига эришилди. Жамғарма томонидан ушбу кўрғазма учун 2400 АҚШ доллар молиявий кўмак ажратилди. Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган “Turkmen Build – 2016” қурилиш материаллари халқаро кўрғазмасида, Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган “AYMOD – 2016” халқаро чарм-пойабал кўрғазмасида, Франциянинг Париж шаҳрида январь ойида дунёнинг қўллаб-қувватлари тадбиркорлари иштирокида бўлиб ўтган “Who’s Next – Pret-a-Porter Paris – 2016” текстиль кўрғазмасида, Германияда ўтказилган анъанавий “Яшил ҳафта – 2016” халқаро кўрғазмаларида юзга яқин тадбиркорнинг иштироки эътиборга кўра кўмак берилиб, қарийб 60 миллион АҚШ долларлик экспорт шартномалари имзоланди ва 30 миллион АҚШ доллариданоқ ортиқ маҳсулот экспортни амалга оширишди. Бундан ташқари Москва, Уфа, Милан, Сеул, София шаҳарларида жамғар-

манинг хорижий ваколатхоналари очилиши ушбу давлатлар ва уларга қўшни мамлакатлар бозорларига ҳам кириб боришимизга замин ҳозирлади.

“Миллийбанк” ва жамғарма таъсислигида “Ўзвест-лойиха” қошида хорижий ҳамда маҳаллий мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотларининг бозор конъюктураси, шунингдек, ушбу соҳада лойиҳаларни амалга оширишда кўмак кўрсатувчи, барча ҳудудларда филиалларига эга бўлган илмий-лоийха ишлаб чиқариш марказининг ташкил этилиши ўлароқ хориж бозорларини ўрганиш ҳамда маҳсулотларимизга харидор топиш доираси яна бир-мунча кенгайди. Жорий йилнинг апрель, июнь, август, сентябрь ойларида жамғарма мутасадди ташкилотлар билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган республиканинг 66 та туманига хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини экспортга чиқариш масалаларига бағишланган семинар-ўрашувлар ташкил этди. Бундан ташқари, октябрь ойида Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Шахрисабз, Китоб, Самарқанд, Тойлок, Жомбой, Фаргона, Олтиариқ, Қува, Қувасой, Андижон, Булоқбоши, Асака, Чортқоқ, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Қосонсой, Қўрай, Паркент, Зангиота туманларида бево-сита далаининг ўзида хорижий агрономлар иштирокида тўқсонбости экинларини етиштириш, интенсив боғларда замонавий технологияларни жорий қилишга бағишланган туркум семинарлар ўтказилди.

— Бугун Тошкентда 1-Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси яқунланади. Унда қўллаб-қувватлаш имтиёзлари билан маҳсулотларимизга харидор бўлишга тўғри келадими? Айтинг-чи, дастлабки натижалар қандай?

— Биласизми, бир яқин мақол бор: “Яқин маҳсулот бозор ҳам, харидор ҳам танлайди”. Мен ярмарка давомида бунга яна бир бор гувоҳ бўлдим. Илк бор ташкил этилаётганга қарамай, ярмаркада дунёнинг 30 га яқин давлати ишбилармонлари иштирокининг ўзиёқ унинг нуфузи юқорилигини кўрсатди. Баъзи хорижий тадбиркорлар, истеъмолчилар билан гаплаганимизда улар авваллари Ўзбекистондан фақат пахта толаси, текстиль ва шунга ўхшаш маҳсулотларга харидор бўлишгани, аммо сархил мева-сабзавотларимиз — узум, анор, пилос ва ўрикларимиз борлигидан беҳабарлигини айтишди. Уларнинг сифатли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларимиздан хабардор бўлишларига эса давлатимизда ўтказиб турилаётган озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари кўрғазмалари, хусусан Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2016 йил 1 июндаги “Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этди, десам янглишмайман. Жорий йилнинг 12-16 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган мева-сабзавот маҳсулотлари ярмаркасида тадбиркорларимиз томонидан жамғарма кўмагида 485 миллион АҚШ доллари тенг экспорт шартномалари тузилди, улар доирасида июль-сентябрь ойларида 5,3 миллион долларлик экспорт амалга оширилган эди.

Ўйлайманки, ана шундай кўрғазмалар эвазига юрти-мизда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари дунёнинг 80 дан ортиқ давлатига экспорт қилинмоқда. Жамғармаимиз мутахассислари томонидан Германия, Россия, Болтиқбўйи давлатлари, Шарқий Осиё бозорлари ўрганилганда уларда 3 миллион тоннадан ортиқ олма, узум, гилос, олхўримишга талаб борилиги аниқланди. Бу эса “Made in Uzbekistan” ёрлиги туширилган маҳсулотларимиз дунё бозорига харидорғир, деб бемалол айтишимизга асос бўлади.

Ярмарка павильонларида намойиш этилган маҳсулотларнинг сифати, ташқи кўриниши ҳар қандай хорижий мижозга маъқул келмоқда. Масалан, жамғармаимизнинг Фаргона вилояти бўлими ярмаркада қарийб 50 миллион АҚШ доллариданоқ ортиқ, Навоий, Тошкент, Хоразм вилоятлари бўлимларимиз томонидан ҳам 100 миллион АҚШ долларлик қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сотиб олиш бўйича жорий йил якунигача ва келгуси йил учун экспорт шартномалари имзоланди. Фахр билан айта оламизки, давлатимиз, ҳуқуқимиз томонидан яратиб берилган қулай шароитлар оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизни хорижий давлатларда тарғибот-ташиқот қилишга даярли ўрин қолмади. Агарда яқин йилларгача биз харидор қидирган бўлсак, бугун уларнинг ўзлари юзлаб турдаги маҳсулотларимизга қизиқиш билдиришмоқда. Айниқса, бунда мамлакатимизда ва хорижий давлатларда ўтказилаётган кўрғазмаларнинг ўрни катта бўлаётти.

Кўрғазмада намойиш этилаётган маҳсулотлар, унинг қатнашчилари, шартнома натижаларини кузатар экан-миз, жамғарма мутахассислари билан маҳсулот харид қилиш мақсадига музокара олиб бораётган Бирлашган Араб Амирликларидан келган Вишвас Хотнинг кўрғазма ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Мен Ўзбекистонда бир неча йил аввал бўлганман. Тўғриси, сизларда етиштирилаётган мева-сабзавот, узум, пилос ва сабзавот маҳсулотлари, тилми тилми ёрар қовун-тарвулар ҳақида кўп бора эшитганман-у, лекин аввал келганда ҳам тўйиб татиб кўриш насиб этмаган эди. Тошкентда бўлиб ўтаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида қатнашиб, тан бердим. Чунки дунёнинг кўпгина давлатларида бўлганман. Аммо қуёшли юртимизда даярлик нимага қарамай, тўғриси, жуذا кам учратганман. Аслида бошқа мақсадда, яъни, дехқонларимиз етиштирган дуқакли экинлардан харид қилиш ниятида келган эдим. Бу қадар ширин мева-узум, сабзавот маҳсулотларини татиб кўриб, уларга ҳам харидор бўлаётиман. — дейди хорижий тадбиркор.

Ҳа, юртимизда яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар самараси ўлароқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғи ортиб, уларнинг экспорт салоҳияти ошмоқда. Буни биргина тадбиркорларга яқин ҳамкор ва кўмаки бўлаётган мазкур жамғарма томонидан кўрсатилаётган ёрдам мисолида ҳам кўриш мумкин.

Зиёдулла МҲМИНОВ,  
“XXI as” муҳбири

## РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

## О‘ЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

# Молиявий ҳамкорлик қўл келмоқда

Мамлакатимиз молия бозорига ўз ўрнига эга бўлган “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик-тижорат банки хизмат сифати ва маданиятини ошириб, йил сайин салмоқли ютуқларга эришмоқда. Молия муассасасида “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойилига қатъий амал қилинади. Бу эса бир миллиондан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш имконини яратмоқда.

Хусусан, жойларда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги интилишларни ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватлаш диққат марказида. Жорий йилнинг 9 ойи давомида кичик-бизнес вакилларига 891 миллиард сўм миқдориданоқ сармоа ажратилди ва шу ҳисобдан ҳудудларда қарийб 1640 та янги иш ўрни яратилди. Қолаверса, 1956 нафар тадбиркорга берилган микрокредитлар ҳажми 89 миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар

ўтган йилнинг айна даврига нисбатан 1,3 баробарга кўп, демакдир.

Банк хизматлари қўллаб-қувватлаш мижозларни мамнун этмоқда. Қуйида улардан айримларининг дил сўзларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Фарҳод БУЛАТОВ,**  
“MUSAVARTEX” масъулияти  
чекланган жамияти раҳбари:

— Мана, 25 йилдирки, мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу ҳисобдан худуд-

лар инфратузилмасини тубдан ўзгартиришга эришилаётир. Натижада юртдошларимизнинг турмуш маданияти юксалиб, улар учун қўшимча қулайликлар вужудга келмоқда. Ўзбекистон — Буюк Британия ҳамкорлигида ташкил этилган корхонамиз асосан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ёдингизда бўлса, яқин-яқингача енгил саноат деганда кўз олдимизга, аввало, хорижий дунёга машур компания ва фирмалари ёрлиги туширилган тўқимачилик маҳсулотлари келарди. Эндиликда уларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани кувонарлидир. Жумладан, корхонамиз “Ўзсаноатқурилишбанк” сармоаларидан фойдаланиб, шу ҳисобдан ишлаб чиқариш қувватини оширишга эришилмоқда. Натижада ички бозорда истеъмолчиларга тақлиф этилаётган импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотларнинг тури тобора кўпайиб бораётди.

Бунда корхонамизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Унинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишда ишлаб чиқариш жараёнларини техник ва технологик қайта жиҳозлашда банк томонидан ажратилган кредит жуذا қўл келмоқда.

Янги харид қилинган замонавий асбоб-ускуналар эвазига ишлаб чиқариш қуввати 1,2 баравар ошди, ички бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш имконияти кенгайди. Энг муҳими, қўшимча 40 та янги иш ўрни яратилди.

Асосий мақсадимиз эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, экспортбоп

маҳсулотлар турини янада кўпайтиришдан иборат. Зеро юртимизда ҳукм сураётган молиявий барқарорлик, қулай ишбилармонлик муҳити шундай дейишга тўла асос бўлади.

**Баҳриддин БЕШИМОВ,**  
“Алфа-Омега” ИИЧФ раҳбари:

— Корхонамиз 2000 йилда Бухоро вилояти, Жондор тумани, Самончи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Хасработ қишлоғида ташкил этилган бўлиб, асосан, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Унинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик-тижорат банки Бухоро минтақавий филиалининг 71 миллион 700 минг сўм ҳажмидаги имтиёзли кредитлари жуذا қўл келмоқда. Чунинчи, дори воситалари ва тиббиёт жиҳозларининг тури кўпайиб, сифати яхшиланди. Бундан ташқари биз чорвачилик, асаларчилик ва боғдорчилик фаолиятини ҳам йўлга қўйганмиз. Энг муҳими, ҳозирги кунда корхонамизда 44 киши доимий иш билан таъминланган. Шундан 35 нафари хотин-қизлар, 10 нафари коллеж битирувчиларидир.

Айни пайтда аҳолига етказиб берилган дори воситаларининг тури ўндан ошади. Яқин келажакдаги мақсадларимиз катта, яъни, уларнинг турларини янада кўпайтириш, бир сўз билан айтганда, юртдошларимизга беминнат хизмат кўрсатишдан иборат.

Мусурмон РҲЗИЕВ  
тайёрлади.







МОҲИЯТ

Бурхониддин МАРҒИНОНИЙ

ХАЁТ АҚИҚАТЛАРИ



Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чирогини ҳам сўндириб бўлмас.

Ёзилган китоб нусхасининг тўғрилиги кўз қорачигининг боққанига боғлиқдир, ривоятнинг инобатлиси (ишончлиси) эса сероб сувдан ҳам ортиқроқ қондирар.

Икки нарса бир дарахтнинг бутогидир, яъни, иккаласи ҳам бир хилдир: бирор нарса сўраганга (тиланганга) берса-ю аммо кейин уни миннат қилса, иккинчиси, ўзининг инъом – эҳсонини аяб, хассислик қилса, чунончи Аллоҳ таоло наздида миннат билан бир нарса бериш ва хассислик қилиб бермаслик қабоҳатда баробар ҳисобланади.

Зимманда фарз бўлган нарсани қарз ва бурч ўрнига қўй. Бу ҳол қалбнигу дилнига роҳат бахш этиб, шарафини ва обрўйинини сақлаш учун энг тўғри йўлдир.

Ўзи сазовор бўлмаган ҳамду саню мақтовларни талаб қилиш уятсиз, тел-

ба одамларнинг одатларидандир.

Илмли бўлиш бир баланд тоққа чиқиш каби кўп машаққатлидир, лекин ундан тушиш осондир, жоҳиллигу нодонлик булоғи чуқур чашма мисоли бўлса-да, бироқ у кўп қийинчилигу азобларга гирифтор қилади.

Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман деган ўйлардан воз кеч, шайтон ўйлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут.

Риё бор ҳар қандай ишда раволигу зиё йўқдир.

Сотиб олган нарсангда алданиб, молиявий зиён-зарар кўрувинг сен бундан келгусида кўрадиган зиёнларингдан, анча энгилроқ ва осонроқдир.

Дехқончилик қилиб зироат экиш фойдаю хайр барака билра муштаракдир, ўз халқини беҳад кўп хайр-баракага буркайдир.

Ярамас ва хасис кишининг эшигини таққиллатишда сахий ва мўтабар кишининг озиқ тишини сугуриш билан баробар ранжу изза бордир. Яъни, сахий киши иши тушиб заруратдан хасис одамнинг эшигини қоқса, у буни ўзининг озиқ тишини сугуртиргандек озору азият чеккан ҳолда қилади.


Эй Одам фарзанди, сенинг аспинг сопол идиш каби тупроқдан (яратилган) дир. Сенинг ичинда сенга жоиз бўлмаган нарсалар, яъни, ота-бобо, давлат билан фахрланиш ва такаббурлик мавжуддир. Қандай яхши бўларди (такаббурликдан) юзингни ўзгартирмасанг, бобонг (обрўси) билан фахрланмасанг. Эй дўстим, минадиган нарсанг (тобутинг) дан, борадиган жойингдан огоҳ бўл!

МУНОСАБАТ

АДОЛАТ

“айтдим-қайтдим”ни билмайди

Ўдимдан чиқмайди, Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг апелляция инстанцияси судида бири етти, бири олти йилга ҳукм қилинган ёшларнинг ҳукми бекор қилиниб, жиноят иши терговга қайтарилди. Икки йил муқаддам содир бўлган бу жиноий иш шу йилдагина яқун топди. Маҳбуслар айбсиз эди. Асоссиз қамоқ тарзида эҳтиёт чораси қўлланилган бу икки ёш шунга қадар ҳибсда ушлаб турилганини тасаввур қилинг-а!.. Айниқса, прокурорларнинг назорат тартибидан киритаверган протестлари ҳаммани чарчатди. Жумладан, судларни ҳам...



Уларга нисбатан мутлақо оқлов ҳукми чиқарилмагани сабаби нимада эди? Гапнинг пўст калласини айтганда, дастлабки тергов ва прокуратура ходимлари гайриқонуний чиқарилган айблов учун, судья эса қонун доирасида чиқарилмаган ҳукм учун қонун олдида жавобгарликка тортилиш эҳтимоллари бор. Ана шу “эҳтимоллик” адолат мезони бузилишига сабаб бўлиб келарди. Оқлов ҳукми чиқаролмасдан қандай қилиб бўлса ҳам маҳбусларни қоралаб, ҳеч бўлмаса қандайдир шартли жазо орқали “озгина бўлса ҳам айбли эди-ю, кечирилди”, қабилида култулиб қоларди.

Жиноят ишлари бўйича Сўх туман судида иши кўрилатган йигит уч ярим ой қамоқ тарзида эҳтиёт чораси қўлланиб, ушлаб турилган эди. Ушанда судда жамоатчи ҳимоячи сифатида қатнашиб, йигитни суд залидан овоз қилинишига эришдик. Ўта оғир жазога тортилатган бу ҳамюртимизга оқлов ҳукми ўқилишига прокурор йўл қўймагани, протест киритиб, унга нисбатан маъмурий жазо тайинлини талаб қилгани ва бу талаб қабулланганини барчамизни норози қилганди. Чунки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 38-моддаси талабига кўра, кам аҳамиятли иш сифатида судда кўриб чиқиши муддати ўтказиб юборилган. Муҳокама қилишнинг ўзи мумкин эмасди. Аллақачон содир бўлиб, бугун аҳамиятини йўқотавдиган бу ҳолатларни кўрсатиб, ўша мансabdорларнинг исми-шарифини баён қилиб изза қилиш фикридан узокмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрда имзоланган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон, таъкидлаш керакки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимига олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттирилатганини, шунингдек, юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, адолат тамойили тантана қилишига тобора кенгроқ имкониятлар яратилаётганини исботлайди.

Авалло, бу фармон ва унда назарда тутилган ҳолатларнинг ўзи аввалги қабул қилинган қонун ва процессуал нормаларнинг нотўғри эканлигини аниқлашга, балки уларнинг ҳаётта татбиқ этилиб келингани натижасидан келиб чиққан шу куннинг талабларига мослаштириш юзасидан қонун ижодкорлигини намойён этади. Мамлакатимизда барча нарса инсон ҳақиқат экани ана шу қонун ўзгаришларида ҳам ўз исботини топган. Мазкур фармоннинг қабул қилиниши амалда жамятда суд ҳокимиятининг обрўсини янада оширишида ҳамда қонунийликни таъминлашда жиддий аҳамиятга эга.

Масалан, фуқаро ҳуқуқ-тартибот идора-

ларига ўзининг жабрлангани хусусида мувожаат қилади. Ҳуқуқбузарлик ҳолати аён бўлган ҳолда, дастлабки суриштирув органи ишни “Фуқаролик суди тартибида ҳал этиши мумкинлиги”ни рўқач қилиб, фуқаронинг ўзига қайтаради. Нафсиларини айтганда, фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилинишига эришиш ҳуқуқи Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо тарафларнинг такрорий ишни кўриб чиқиш талаби асосида фуқаролик ва жиноят ишларида назорат инстанцияси асоссиз равишда ўн йиллаб ҳам судлашувлар, сансалорликлар ўпқонига тушиб қолаётган эди. Ана шу сансалорлик ҳақи равишда фуқароларга малол келиб қолди. Аслида, кассация ва назорат инстанциялари одил судловни таъминловчи институт, яъни, судлардан ишнинг кўриб чиқишида адолат ва қонунийликнинг таъминлини юзасидан муҳим фактор эди. Бироқ сансалорлик ва яширишнинг ҳолати йўқ, айрим ноҳолис судьяларнинг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиши институтидан гаразли мақсадларини амалга оширишда фойдаланиб қолаётганлиги фуқароларнинг ҳақи эътирозига сабаб бўлаётганди. Ана шу нуқта назардан фармонда 2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизmlарини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юрйтишга қайтариш институти бекор қилиниши ўта муҳим ечим бўлди. Натигада, тергов жараёнларидаги ходимларнинг ноҳолисликларига чек қўйиш, одил судловга қарши жиноят содир этилишига узил-кесил барҳам бериш имконини туғдирди.

Жаҳон таърибларига сунган ҳолда, ўз миллий қонунларимизнинг ишлаб чиқиши таҳсин ва диққатга сазовор. Мазкур фармоннинг имзоланиши ана шу миллий қонунчилигимиз ривожланишида туб бурилиш ясади, десак янглишмаймиз.

Ушбу муҳим ҳужжатда кўрсатиб ўтилган “Ходимлар ўртасида суиестеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмайриш этилишини таъминлаш” бугунги давр талаби бўлиб қолгани сир эмасди. Жамоатчиликнинг мазкур фармонни мамнуният билан қутиб олганининг сабаби ана шунда.

Бундан оддий фуқароларнинг қанчалар қувонаётганлигини айтмайсизми.

– Ишонасизми, салкам икки йилдан буён фарзандим Султонбек Исроилов билан келишим икки нафар воёга етмаган болалари билан ўз хусусий мулки бўлган уй-жойга қириб яшай олмасди, – дейди Асака шаҳридаги Бибиҳоним 4-тор кўчаси 6-уйда яшовчи онахон Омина Исроилова, – шахсий мулк ҳуқуқи дахлсиз. Шахсий мулкка таъвоуз

қилганлик учун ҳар қандай мансabdор шахс жавобгарликка тортилиши мумкин. Аммо Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди томонидан 4 марта, Олий Суд назорат инстанцияси томонидан икки марта биринчи инстанция судининг қарори бажарилиши тўхтатиб турилиши хусусида ажрим чиқариб қийнаб келарди. Сабаби, жавобгар тараф назорат тартибида шикоят ёзган, ишни кўриб чиқишга мажбур эмишлар!.. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи ва мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳақиқа дуо қилиб турибманки, фармонда ҳатто Олий Суд пленумидан ҳам назорат тартибида ишларни такрорий кўрилишига чек қўйилибди.

Дарҳақиқат, адолат “айтдим-қайтдим”ни билмайди! Биринчи инстанция судларида чиқарилган қонун доирасидаги ва адолатли қарорлар назорат тартибида такрорий кўрилиши натижасида мамлакатимизда қонун устуворлиги ҳамда адолат тантанасини сояда қолдираётган эди. Ҳатто вилоят судлари алаб-оқибат, суд қарор ва ҳужжатларининг бажарилишини хавф остига қўйиши ҳамда бажарилишини қийинлаштиришга сабаб туғдирди. Бундан асосан оддий фуқаролар жабрланиб келишди.

Суд мажлиси ўтказилиш жойи, санаси ва вақти ҳақидаги оддий хабарномаларнинг ўз вақтида судлашувчи тарафларга етиб бормаслиги оқибатларидан жабрланган фуқароларни ҳам кўп кузатдик. Бунинг оқибатида ҳам судларда сансалорлик, ишнинг сифатсиз кўриш ва асоссиз оворагарчилик юзасига келиб, фуқаролик ишлари бўйича судларга бўлган эътироз ҳамда норозиликлар кўпайиб кетди. Ҳали-ҳануз фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларнинг эшигида сон-саноксиз аризачилар навбат қутуш билан вақти кетади. Бунга сабаб эса фуқаролик судларида замонавий техник имкониятлардан нумули фойдалана олмаслики эди. Тасаввур қилинг-а, уйда чақалоги парварлиши билан машғул аёл кўчага чиқмай, суд залига қатнамасдан ҳам электрон почта орқали фарзандларига алимент ундирилиши юзасидан суд буйруғи чиқарилишига эриша олиши мумкин. Фармон ана шу ачинарли ҳолатларга барҳам беради. Унда “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самардорлигини оширишга қаратилган илгор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек, ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усуллари жорий этиш” акс эттирилган.

Мазкур ҳужжат мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотларнинг сифат даражаси янада ортишида муҳим дастуриямал бўла олишига шубҳа йўқ.

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ, ҳуқуқшунос, O'zLiDeP аъзоси

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST» advertisement featuring ZAZ Forza and Niva Business vehicles with specifications and contact information.

ASR O'ZLIBER LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI logo and contact information.

Boш мухarrир: Норкoбил ЖАЛИЛОВ. Тахрир хайъати: Содиқжон ТУРДИЕВ, Қўяқдoқ САНАҚУЛОВ, Дилшoд ШОУМАРОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Алхам ШОДИМОНОВ, Абдулмажид КАРИМОВ, Раул КУШЕРБАЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Виктор ПАК, Икбол МИРЗО, Бегмат ОЧИЛОВ.

“XXI asr” ixtimoiy-siyosiy gazetasini O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop etildi. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 6 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 1166 Тираж: 9593 Баҳоси келишилган нархда. ЎЗА якуни – 21:17 Топшириди – 03:30

Тахрирхат келган қўғамалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. “XXI asr” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахрирхат нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Реклама материаллари учун тахрирхат жавобгар эмас. Газета тахрирхат компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер Милрифжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406. 123456. Ҳафталик нашр. Ҳафталик мухarrирлар: А. МУТАФАРОВ, С. ЗОИРОВ.